
«ЖАЖЖИ ИСТЕЪДОД» КЎРИК ТАНЛОВИНИНГ ФИНАЛ БОСҚИЧИ

Данғара тумани Мактабгача таълим ташкилотларидаги тарбияланувчилар иштирокида «Жажжи истеъдод»номли кўрик танловининг финал босқичи бўлиб ўтди.

Жорий йилнинг февраль ойидан буён секторлар кесимида ўтказилган кўрик танлов ғолиблари тумандаги 27- болалар мусиқа мактабида финал босқичида учрашдилар.

Кўрик танловни туман ҳокими ҳамда сектор раҳбарлари кузатиб борди. Қанашувчилар рақс ҳамда қўшиқ куйлаш номинациялари орқали ўзларининг маҳоратларини кўрсатишди.

Финал босқичи якунига кўра, қўшиқ номинацияси бўйича олий ўринни 5-сонли МТТ , 1-ўринни 21-сонли МТТ , рақс номинацияси бўйича олий ўринни 39-МТТ , 1-ўринни 21-МТТ қўлга киритди.

Тадбир якунида қатнашувчиларга туман ҳокимлиги ҳамда туман МТТ бўлими томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-04-28 13:03:27